



## KASBIY KOMPETENTLIK SIFATLARI

**NAZIROVA FERUZA**

**ABDUMALIKOVNA**

*Qo'qon davlat pedagogika*

*instituti o'qituvchisi*

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp363-367>

**Annotatsiya:** Maqolada “kompetentlik” tushunchasi ta’lim sohasiga psixologik izlanishlar natijasida kirib kelganligi, o’qituvchilarning innovatsion ta’lim muhiti talablari asosida pedagogik kompetentligini rivojlantirish davr talabi ekanligi yoritilgan. Quyida kasbiy kompetentlik negizida aks etuvchi sifatlarning mohiyatiga kisqacha to’xtalgan.

**Kalit so’zlar:** kompetentlik, kasbiy kompetentlik, kasbiy kompetentlik sifatlari, pedagogik kasbiy kompetentlik, individual rivojlantirish dasturi, pedagogning individual rivojlanish dasturi, o’z-o’zini rivojlantirish, pedagogning o’z ustida ishlashi, pedagogning o’z ustida ishlash bosqichlari, o’z-o’zini baholash.

Президентимиз Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”да таълим сифатини тубдан ошириш, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш жараёнида барча йўналишдаги фанлар бўйича давлат таълим стандартларини, ўқув дастур ва режаларини янгилаш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштириш зарурдир. Ушбу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартлари” тасдиқланди. [1,54.с].

Миллий таълим тизимига такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини биргина қарор ёки буйруқ бериш орқали жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун таълим тизимидаги барча иштирокчилар биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ишга киришишлари керак. Бу борада қандай муаммолар мавжуд бўлади?

Мураккаб, машаққатли, кутилмаган ҳолатларга бой, аммо жамиятнинг зарурий эҳтиёжи ҳисобланган таълим-тарбия тизимини янгича кўриниш ва янгича мазмунда амалга ошириш, дарс жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллаш орқали таълим самарадорлигига эришиш давр талабидир. Таълим муассасаси битирувчиси ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлишини таъминлашда асосан, педагог кадрлар салоҳияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Демак, жамиятдаги барча янгиланишларни уйғунлаштириш учун шахсий етуклик билан бирга касбий компетентлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. [2,38.с].

“Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бў-

лиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб бориш нитақоз оэтноқда. Ҳўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизда қандай сифатлар аксэтноди? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шусабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янгийўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўламаълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи вазиятларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади. [3,28.с].

Инсон ҳаётига кириб келадиган ҳар қандай янгилик унда сергакликни, ҳаттоки норозиликни уйғотади. Шунга кўра, узок йиллар давомида анъанавий усуллар билан ишлаб келган педагоглар бугунги куннинг ўзидаёқ такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари асосидаги ўқув жараёни талаб даражасида ташкил эта олмайдилар. Энг аввало, таълимда бирор бир ўзгаришларни амалга ошириш учун аввал ўқитувчининг касбий онгини тубдан ўзгартириш керак.

Педагогларимиз дарсларни янги такомиллашган стандарт асосида ташкил этиш учун, аввало, ўз фанига оид давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини синчиклаб ўрганиши, янгидан нашр этилган дарслик билан танишиши, тақдим этилган ўқув дастури асосида тақвим режа тузиб олиши керак бўлади. Компетентиявий ёндашувга асосланган дарс ишланмаларида ҳам тегишли ўзгаришлар қилиш лозим. Жумладан: дарснинг технологик харитасида дарснинг мақсади, жиҳозлари, ўқитиш технологияси ва ҳ.к.лар ўзгариши билан бирга, ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетентиялар аниқ ҳолда белгилаб олинади. Шу билан бирга педагог ўқувчиларда мазкур компетентиялар шаклланганлигини аниқлай олиш кўникмасига эга бўлиши керак. [3,28.с].

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг таълим тизимидаги илғор тажрибаларни ўрганиш узлуксиз таълим жараёнига компетентияли ёндашувни татбиқ этиш зарурлигини кўрсатди. Узлуксиз таълим жараёнига компетентияли ёндашувни татбиқ этиш орқали қуйидаги вазифаларни амал ошириш:

- Давлатимизнинг келгусида жамият, фан, ишлаб чиқариш ва шахснинг мустақил ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёшларга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондириш мақсадида ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда ижодий қўллашга ўргатиш;
- Таълим мазмунини муаммоли ўқув вазиятларни яратиш орқали ўрганиш асосида ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қизиқишларини ривожлантириш, шахсий сифатларни таркиб топтириш;
- Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини аниқ объектларга қаратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга ўргатиш орқали ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш баробарида ўқувчилар томонидан ижодий фаолият тажрибаларини эгалланишига эришиш;

- Ўқувчиларни аниқ амалий фаолиятга тайёргарлигини орттириш орқали касбга, ижодий фаолият тажрибаларини ривожлантириш натижасида фан йўналишига йўллаш;

- Фанлардан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларини аниқ ва жараёнли муаммоли вазиятларда амалиётда қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти мавжуд. [4,56.с].

Компетенциявий ёндашувга асосланган ўқитишнинг асосий моҳияти фанлардан ташкил этилган таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий ҳаёти давомида, шунингдек, келгусида касбий ва ижтимоий фаолиятларида қўллай олиш компетенция-ларини шакллантиришга йўналтириш саналади.

Ўқитувчиларнинг инновацион таълим муҳити талаблари асосида педагогик компетентлигини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш:

1. Ўқитувчиларнинг барча тоифалари кесимида мутахассислик фанлари бўйича малака талабларини шакллантиришда компетенциявий ёндошувнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш;

2. Компетенциявий ёндашув асосида вужудга келтириладиган инновацион таълим муҳити талаблари эътиборга олинган ҳолда ўқитувчиларнинг барча тоифалари кесимида мутахассислик фанлари бўйича электрон қўлланмалар яратиш;

3. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курсларини эҳтиёжга асосланган ҳолда ташкил этиш, бунда фан ўқитувчисининг эҳтиёжи назарда тутилмоқда;

4. Малака ошириш курсларида ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини касбий диагностик таҳлил қилишни йўлга қўйиш, аниқланган бўшлиқларни ўқитувчи шахсига йўналтирилган ҳолда индивидуал коррекцион иш олиб бориш зарур. [5,28.с].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутлади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимбой итиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. [3,28.с].

### **Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:**

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил

ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, инфорацион, креатив,

инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

**1) психологиккомпетентлик** – педагогикжараён дасоғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқариш тирикчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш; **2) методиккомпетентлик** – педагогикжараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёқитарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) **информационкомпетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайташлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоиш эта олиш;

5) **инновацион компетентлик** – педагогикжараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбияжараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) **коммуникативкомпетентлик** – таълимжараёнининг барчаштирикчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. **Шахсийкомпетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўзички имкониятларини намоён қилиш.

4. **Технологиккомпетентлик** – касбий-педагогик БКМни бойита диган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан) да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгаллик. [6,39.с].

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда компетенцияларни таркиб топтириш муаммоси ўқитувчиларнинг касбий педагогик компетенцияларига аниқлик киритиш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида компетенциявий ёндашув талаблари асосида курсларнинг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади. Демак, жамиятдаги барча янгиланишларни уйғунлаштириш учун шахсий етуклик билан бирга касбий компетентлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланган адабиётлар

1.1. Nodirovna, Khushnazarova Mamura. "THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF TRAINING OF MANAGEMENT PERSONNEL IN THE PROCESS OF HIGHER PEDAGOGICAL EDUCATION." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 171-177.

2. Akbarovna, Abdullajonova Shaxnoza. "INCLUSIVE EDUCATION AND ITS ESSENCE." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.01 (2022): 248-254.

3. Adxam, Z. (2021). Педагогические факторы формирования чувства Родины на основе национальных и общечеловеческих ценностей у учащихся на-

чальной школы. Среднеевропейский научный вестник, 17, 284-286. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.17.814>

4.Najmiddinova, Rahimova Feruza. "PEDAGOGICAL CONDITIONS OF IMPROVEMENT OF SOCIAL PEDAGOGICAL ACTIVITY OF STUDENTS ON THE BASIS OF MULTIMEDIA TOOLS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.07 (2022): 108-112.

5.Erkinovna, Yuldasheva Malohat. "DEVELOPMENT OF THE COGNITIVE ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS IN INNOVATIVE EDUCATIONAL CONDITIONS AS A SOCIAL PEDAGOGICAL NECESSITY." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 196-199

6.Abduhafizovna, Melikuziyeva Mavluda, and Yigitaliev Mirzoxid. "WAYS TO INCREASE THE LEGAL KNOWLEDGE OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS." *Web of Scientist: International Scientific Research Journal* 3.02 (2022): 124-130..

7.Клюев, Роман Владимирович, et al. «ИССЛЕДОВАНИЕ И АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НАДЕЖНОСТИ ОТДЕЛЬНЫХ СТРУКТУРНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ЦИФРОВЫХ ПОДСТАНЦИЙ.» Вести высших учебных заведений Черноземья 1 (2021): 68-79.

8.Umarova, M. H. "Ethnic Related Toponyms of The Population in Surkhandarya Region."

9.Nargiza, Yunusalieva. "SOCIAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS AND DEVELOPMENT OF VALUES." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.1 (2022): 300-305.

10.Ксамидовна, Мамаюсупова Ирода. «ОСНОВНЫЕ КРИТЕРИИ ДЛЯ РАЗРАБОТКИ ПРОГРАММ ОБУЧЕНИЯ КОНФЛИКТОЛОГИИ». *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК И МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ* ISSN: 2277-3630 Импакт-фактор: 7.429 11.06 (2022): 181-184.

11.Мриксайтова С., Ерматова Ш. и Ходжаева Н. «Обучение студентов творческому мышлению посредством самостоятельного обучения в высших учебных заведениях является насущной проблемой». *Евро-Азиатские конференции*. Том 3. № 1. 2021.

12.Зокиров М. А. ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕРЦЕПТИВ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 659-666.